ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК СОҲАСИДА КООПЕРАЦИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Кўчаров Ж.О., ТИТУ и.ф.н, доц.

Аннотация

Мақолада қишлоқ хўжалигида, хусусан мева-сабзавотчилик соҳасида кооперация муносабатларини кенг жорий этишнинг ахамияти баён қилиниб, мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича кооперациянинг ташкилий-бошқарув тузилмаси бўйича тавсиялар берилаган.

Калит сўзлар. кооперация, мева сабзавотчилик соҳаси, фермер ва деҳқон хўжаликлари, махсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш, экспорт, маркетинг, ички ва ташқи бозор, шартнома.

Аннотация

В статье описана важность широкого внедрения кооперативных отношений в сельском хозяйстве, особенно в сфере плодоовощеводства, даны рекомендации по организационно-управленческой структуре кооперации по производству, хранению, переработке и реализации плодоовощной продукции.

Ключевые слова. кооперация, плодоовощная отрасль, фермеры и крестьянские хозяйства, хранение и переработка продукции, экспорт, сбыт, внутренний и внешний рынок, контракт.

Annotation

The article describes the importance of widespread implementation of cooperative relations in agriculture, especially in the field of fruit and vegetable growing, and provides recommendations on the organizational and managerial structure of cooperation in the production, storage, processing and sale of fruit and vegetable products.

Key words. cooperation, fruit and vegetable industry, farmers and peasant farms, storage and processing of products, export, sales, domestic and foreign markets, contract.

Маълумки, шахсан Республикамиз Президенти ва хукуматимиз томонидан мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳасини барқарор ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Охирги йилларда пахта майдонларини камайтирган ҳолда унинг ўрнига турли интенсив боғ ва токзорлар барпо қилинди, алоҳида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманлар ташкил этилди. Лекин, ханузгача мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантиришда самарали бозор механизмлари етарли даражада тизимли йўлга қўйилмаганлиги, илмий ёндашувнинг етарли эмаслиги тармоқнинг мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаслигига олиб келмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги ривожланган мамлакатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кооперация муносабатларини кенг жорий этиш, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари, қайта ишлаш корхоналари ва бошқа хизмат кўрсатувчи корхоналар бирлашиши асосида кооператив хўжаликларини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш ҳозирги кун талаби эканлигини исботламоқда.

Шу боис, Республикамиз хукумати томнидан бир қатор қарор ва фармонлар қабул қилинди ва уларга кўра мева-сабзавотчилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни рағбатлантириш, сифатли мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унинг экспорти барқарорлигини таъминлаш, мазкур маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, ихтиёрийлик ва пай асосида иштирок этиш тамойилларида мустақил ҳамда ўзаро боғлиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер,

деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларининг кооперациясини ташкил этиш белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, ҳанузгача мева-сабзавотчиликда кооперация тузулмаларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш бўйича етарлича самарали механизм ишлаб чиқилмаган. Кооперация тузилмаларини ташкил этишда ҳудуддаги барча мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари мулкчилик ва юридик мақомидан қатъий назар, тўлиқ қамраб олиниши юқори самара беради деб ҳисоблаймиз. Айтайлик, катта миқдорда, яъни тонналаб маҳсулот ишлаб чиқарувчидан тортиб, бир-неча ўн килограммлаб маҳсулот етиштирувчи томорқа ер эгалари, оддий фуқороларгача ушбу кооперциянинг тўлақонли аъзоси бўлишига ҳар томонлама қулай ташкилий–ҳуқуқий шарт-шароит яратилиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай кооперативларни яратилиши худуддаги барча ишлаб чиқарувчиларга кафолатли сотиш каналига эга бўлишига ва сифатли маҳсулотлар етказиб беришга бўлган рағбатларини янада кучайишига олиб келади.

Кооперациянинг асосий аъзолари қаторида фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, шахсий томорқа ер эгалари, турли мукчилик шаклларидаги мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда сақлаш корхоналари, механизация хизматлари ва транспорт хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин.

Кооперциянинг асосий фаолият юритиш мазмуни мева-сабзавот маҳсулотлари миқдори, тури, етказиб бериш муддатлари бўйича буюртмаларни шакллантириш, белгиланган тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, бозордаги талаб ва таклиф холатига кўра сотиш ҳажмларини аниқлаш, шартномаларни расмийлаштириш ва ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштириш ҳамда кооперация аъзолари ўртасида олинган фойда ва даромадни адолатли тақсимлаб боришдан иборат бўлиши лозим.

Мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича кооперацияларининг асосий фаолият турлари қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- кооперация учун энг юқори фойда келтирувчи самарали сотиш каналлари, яъни супермаркетлар, ижтимоий соҳа объектлари, улгуржи ва чакана деҳқон бозорлари ва ҳаказолар имкониятини, мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган талабни ўрганиш, ички ва ташқи бозорларини маркетинг нуқтаи-назардан таҳлил қилиш;
- кооперация аъзолари учун, яъни фермер, деҳқон хўжаликлари, шахсий томорқа ер эгалари, турли мулкчилик шаклларидаги мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда сақлаш корхоналари ва бошқаларга иқтисодий мустақиллиги ва ҳуқуқий мақомини сақлаб қолган ҳолда кооперация билан шартнома асосида фаолият юритиши тамойилини таъминлаб бериш;
- кооперацияда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, махсулотни кайта ишлаш ва сақлашда янги технологияларни жорий этишга имкон берувчи жиҳозларни сотиб олиш ва биргаликда фойдаланиш механизмларини қўллаш;
- кооперация аъзолари ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш ишларини ўз вақтида, белгиланган миқдор ва ҳажмларда етказилиши ҳамда сотилишини таъминлаш;
- ишлаб чиқарилаётган ва қайта ишланаётган мева-сабзавот маҳсулотларини жаҳон стандартларига мос келиши бўйича истиқболли ишларни амалга ошириш натижасида ташқи бозорда кафолатли бозорни топиш, улар билан узоқ муддатли шартномалар тузиш орқали коопертивнинг экспорт салоҳиятини ошириш;
- кооперация аъзоларига, яъни фермер, деҳқон хўжаликлари, шахсий томорқа ер эгалари, турли мулкчилик шаклларидаги мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда сақлаш корхоналари ва бошқаларга қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларига зарур агроконсалтинг хизматларни кўрсатиш.

Мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича кооперациянинг ташкилий-бошқарув тузилмаси қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ, яъни унпнг таркибида маркетинг ва буюртмаларни шакллантириш бўлинмаси, таъминот ва хизмат кўрсатиш, консалтинг хизмати кўрсатиш бўлинмаси, молия-ҳисоб хизмати бўлинмаси ва бошқалар.

Маркетинг, шартномалар тузиши ва буюртмаларни амалга ошириш бўлинмасининг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади, жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларини маркетинг таҳлилини амалга ошириш, истеъмолчилар талабини ўрганиш, шу асосда мева-сабзавот маҳсулотлари турлари, ҳажмини аниқлаш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан бўладиган буюртмаларни шакллантириш шартномаларни тузиш, тузилган шартномалар асосида буюртмаларни ўз вақтида, керакли миқдор ва сифатларда истеъмолчиларга етказиш билан шуғулланади.

Таъминот ва хизмат кўрсатиш бўлинмаси. Кооператив аъзоларини қишлоқ хўжалиги техникаси, ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғит, уруғлар, кўчат ва экинлар, кимёвий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликларига агртехника тадбирларини бажаришда механизация ҳамда маҳсулотларни ташишда транспорт ва бошқа зарур хизматларини кўрсатиш каби ишларни олиб боради.

Ахборот-консалтинг хизмати бўлинмаси. Кооператив аъзоларига агротехника бўйича, бухгалтерлик, консалтинг, воситачилик ва бошқа хизматларни кўрсатиш, минерал ўғитлардан, турли биостимуляторлардан фойдаланиш меъёрлари бўйича зарур маслаҳатлар бериш, боғ ва сабзавот экинлари зарарли организмлардан ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий воситаларидан тўғри ва самарали ва хавфсиз фойдаланиш бўйича консалтинг хизмати, шунингдек, кооператив аъзоларига юридик хизматларни кўрсатиш билан шуғулланди.

Молия–ҳисоб марказининг асосий вазифалари истеъмолчилар билан тузилган шартномалар асосида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, кооперативнинг солиқлардан қарзларини, турли ажратмаларини ўз вақтида тўлаш, коопертивни даромад ва харажатларнинг ҳисоб ва ҳисоботини юритиш, бухгалтерия ҳужжатларини белгиланган стандартлар асосида бўлишини таъминлаш, кооперативнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли режаларини тузиш ва уни кооператив умумий йиғилиши муҳокамасига қўйиш, коопертив аъзолари олдидаги хар олти ойда ва йил якуни бўйича молиявий ҳисобот бериши каби вазифаларни бажаради.

Умуман олганда юқоридаги барча бўлинмалар фаолиятини кооперативнинг ижрочи директори томонидан мувофиқлаштирилади. Айтиш лозимки, коопертив аъзолари томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун зарур бўлган юқори қийматга эга бўлган техника воситалари, ускуна, транспорт воситаларидан, шу жумладан, маҳсулот сақлаш омборларини биргаликда ижарага олиш ва қайтариб бериш асосида хом-ашёни қайта ишлаш йўли билан биргалашиб фойдаланишни ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, логистика тизимини тўғри ташкил этиш орқали мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш занжири энг кам харажат эвазига энг кўп фойда олиш имкониятини яратиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш занжиридаги ҳар бўғинда инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологиялар,касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини жорий этиш кооперативнинг фаолиятини иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-5388-сонли Фармони.

4. Мишура Н.А. Кластерная организация экономики: к вопросу об идентификации кластера // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 2012. № 43. С. 37–44.

5. Махкамов, Ш. (2024). Davlat boshqaruv tizimining vujudga kelishi hamda davlat va uning moxiyati. Новый Узбекистан: наука, образование и инновации, 1(1), 379-382.

6. www.mineconomy.uz- Ўзбекистон Республикаси Иқсодиёт вазирлиги сайти.

7. www.agro.uz- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги сайти.

8. .www.lex.uz